# ХАБАР

XABAR

خبر

*Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлиги нашри*

1992 йил мартдан чиқа бошлаган • 1997 йил, 12 декабрь № 50 (278) • Сотувда нархи эркин


• *Таҳририятга хат*

## МУЗЕЙГА ЁРДАМ БЕРАЙЛИК

**Ассалому-алайкум ҳурматли таҳририят ходимлари!**

Мен 32 йилдан буён алоқа соҳасида ишлаб келяпман, алоқачи бўлганимдан фахрланаман, бу шарафли касб эгалари ҳамиша халқимизнинг ҳурмат-эътиборидадир.

«Хабар»нинг 46-сонида чоп этилган Тўлқин Лутфуллаевнинг «Музей залларида» номли мақоласини ўқиб таъсирландим, ҳам хурсанд бўлдим, ҳам афсусландим. Хурсанд бўлишимнинг сабаби — республикамизнинг тарихий шаҳарларидан бири — Хивада алоқа музейи бор экан.

Яқиндагина бу қадимий шаҳарнинг 2500 йиллик тўйи кенг нишонланди. Бу макондан буюк алломалар етишиб чиққан, ҳозирги вақтда сайёҳларнинг кети узилмайди. Ана шундай табаррук ерда жойлашган тарихий музейнинг қаровсиз аҳволда эканлигидан афсусландим.

Менимча, музейни Хива шаҳрида қолдириш керак, чунки у тарихий, гўзал бинода жойлашган экан. Мақола муаллифи таъкидлаганидек, музей биносини яхшилаб таъмирлаш, созлаш лозим. Музейдаги экспонатларни нест-нобуд бўлишига асло йўл қўймаслик керак.

Маблағ масаласига келганда, агентлик бироз ёрдамлашса, музейнинг ҳисоб рақами очилса, унга кўмаклашиш истагида бўлганлар топилса нур устига аъло нур бўларди.

***Турсунали МАҲМАДИЕВ,***
***Қашқадарё вилояти, Китоб тумани «Варганза» алоқа бўлими бошлиғи, меҳнат фахрийси***




## САХОВАТПЕШАЛАР

Коинотдан Маккаи Мукаррамага назар ташланса, шаҳардан нур таралиб турар эмиш. Ўзбекистонда ҳам ана шундай нур бор деган гапни қарияларимиз кўп гапиришади. Бу бағри кенг, хайру-саховатли, меҳру оқибатли, фазлу камолатли инсонларимизнинг қалбидан, меҳридан, юзукўзидан таралиб турган нур бўлса ажаб эмас. Бундай инсонлар ўзини эмас, ўзгани ҳам ўйлайдилар, қўлларидан келган ҳар қандай ёрдамларини аямайдилар, ортиқча маблағлари бўлса, кимларгадир мурувват кўрсатишни бурчлари деб биладилар. Қариялар ва болалар уйларига, интернатлар, касалхоналарга, кам даромадли оилаларга кўрсатилаётган ёрдамлар саховатли инсонларга миннатдорчилик туйғусини уйғотади.

Қуръони Каримда айтилишича: «Инсон ўз эҳтиёжидан ортиқча нарсаларга закот бермоғи лозим»экан. Бугунги кунда кимда-ким саховат, мурувват кўрсатар экан, бу комил инсонлик фазилати, ана шу закотнинг бир кўриниши бўлса ажаб эмас. Ҳозиргина Тошкент Алоқа коллежи ошхонасидан тушлик қилиб чиққан талабаларнинг кайфиятлари кўтаринки. Талабалар ўзлари келган вилоятларнинг алоқа корхоналари ўтказган маблағ эвазига берилган талон ҳисобидан овқатланишмоқда.

«Ҳа, деган туяга мадад» дейди халқимиз. Кундалик тушлик овқатнинг текинлиги вилоятлардан келиб, таҳсил олаётган ўғил-қизларимизга ғамхўрлик ва мурувват намунаси эмасми? Саховатпеша инсонлар бор экан, юртнинг юки ерда қолмайди. Буни чин дилдан ҳис қилган, «Фарғона почтаси» ҳиссадорлик жамияти 20 нафар, Фарғона вилояти электралоқа корхонаси 26 нафар, Навоий вилояти электралоқа корхонаси 20 нафар, Андижон вилояти электралоқа корхонаси 17 нафар, «Андижон почтаси» ҳиссадорлик жамияти 5 нафар, Бухоро вилояти электралоқа корхонаси 11 нафар, «Наманган почтаси» ҳиссадорлик жамияти 11 нафар, «Жиззах телеком» ҳиссадорлик жамияти 10 нафар, Мубора тумани электралоқа корхонаси 2 нафар талабаларга ёрдам кўрсатишмоқда. Шу боис ёрдам қўлини чўзган барча саховатли инсонларга, алоқа корхоналари раҳбарларига Тошкент Алоқа коллежи маъмурияти ва талабалари номидан раҳмат деймиз.

***Ақида АЗИЗОВА***

## ОЛАМДА НИМА ГАП?

**• Янгиликлар • Воқеалар • Хабарлар**

***• Тошкентда Ўзбекистон, Қирғизистон ва Қозоғистон Бош вазирлари Кенгашининг мажлиси бўлиб ўтди. Унга Қирғизистон Бош вазири А. Жумағулов раислик қилди.***

*• Журналист Бозор Номозовнинг ёзишича, тарих фанлари доктори, профессор Анатолий Саъдуллаев берган маълумотларга қараганда, археологларимиз айни пайтда қадимий топилмалар, турли ёдгорлик ва ёзма манбаларга таянган ҳолда кўҳна Кешнинг неча ёшдалигига тўлиқ аниқлик киритишибди. Олимларнинг айтишича, Кеш, яъни Шаҳрисабзнинг ёши 2700 йилга тенг экан.*

***• Иркутск шаҳрида ҳалокатга учраган АН-24 «Руслан» самолёти бортидаги «қора қути» ёзувини мутахассислар ўқишга муваффақ бўлишди. Ҳалокатга самолётнинг чап томонидаги иккита мотори бир вақтнинг ўзида ишдан чиққанлиги сабаб бўлган экан. Маълумки, самолёт одамлар яшаётган кўп қаватли уй устига қулаб тушган. Натижада 57 нафар киши ҳалок бўлган ва кўплаб кишилар оғир жароҳатланган.***

*• Грузия пойтахти Тбилиси шаҳридаги Миллий кутубхона собиқ совет даврида нашр этилган ташвиқот характеридаги китобларни сотишга чиқарди. Сотувга қўйилган мафкуравий мазмундаги нашрларнинг 1997 тасида «Сиз бу китобни сотиб олиш билан Миллий кутубхонанинг тикланишига ўз ҳиссангизни қўшасиз», деган ёзув бор. Собиқ совет даврида нашр этилган ушбу нашрларнинг ҳар бир донаси ким ошди савдосида 15 центдан 4 долларгача сотилмоқда. Сотувдаги китоблар орасида Брежнев, Хрушчев асарлари бор. Сталиннинг «ижод намуналари» бироз қимматроқ кетаётир.*

***• Исроил кнессетида (парламент) депутат Авраам Поразнинг таклифи билан киритилган ғаройиб қонун лойиҳаси муҳокама қилинаётир. Бу қонун лойиҳасига кўра, жамоат жойларда навбатда турганларни писанд қилмай қаторнинг олдинга суқилиб кирган киши судга берилади ва жиноий тартибда уч ойгача озодликдан маҳрум этиш билан жазоланади.***

*• Сербиядаги Президент сайловида учинчи марта ҳам ғолиб аниқланмади. Дастлабки маълумотларга қараганда, номзодларнинг ҳеч бири етарли миқдорда овоз ололмаганлар. Яқин кунлар ичида Президент сайловининг янги тури эълон қилинади.*


• *Обуна — 98*

### АЗИЗ МУШТАРИЙЛАР!

**Алоқа хизматидаги муаммолар, янгилик ва ўзгаришлар, соҳанинг заҳматкаш фидойилари, ижтимоий-сиёсий воқеалар, маънавият олами, боқий қадриятлар тўғрисида мунтазам ўқиб бориш ҳамда ҳафталик теледастур билан танишишни истасангиз, «ХАБАР» газетасига обуна бўлишни унутманг!**

### ОБУНА БАҲОСИ:

**Якка тартибдаги обуначилар учун:**
**1 ойга 43, 6 ойга 258, 12 ойга 516 сўм.**
**Нашр кўрсаткичи: 227**

**Ташкилот ва корхоналар учун:**
**1 ойга 82, 6 ойга 492, 12 ойга 984 сўм.**
**Нашр кўрсаткичи: 228**


### ШУ СОНГА ШОШИЛИНЧНОМА

«Пойтуғ электралоқа боғламаси ходимларининг 70 нафари «Хабар»га обуна бўлишди. Шунингдек, фахрийларнинг 15 нафари корхона ҳисобидан обуна қилинди.

***Пойтуғ электралоқа боғламаси бошлиғи Ж. КАРИМОВ».***

• Танқид

# МУХБИРГА ЧАП БЕРМАНГ!

***Алоқа корхоналарига борганимда «Бизга ҳам мухбир келар эканку, хайрият!» деган гапларни кўп эшитаман. Айниқса, соҳада узоқ йил ишлаган, ёши улуғ кишилардан бундай гапларни эшитиш мухбирга далда бўлади.***

Маълумки, алоқа хизмати ўзига хос, мураккаб соҳа. Унинг беҳисоб муаммоларини, заҳматкаш алоқачиларнинг ички кечинмалари, ўй-фикрларини ҳамма ҳам тушуниб, ҳис этавермайди. Сир эмас, алоқа тармоғи журналистлар учун ҳам анча мураккаб соҳа, шунинг учун ҳам улар алоқа корхоналарига қадам ранжида қилавермайдилар. Матбуотда алоқа корхоналари ва алоқачилар фаолияти ҳақида кам ёзилишининг боиси ҳам қисман шундан. Ўзбекистон алоқачиларининг ўз нашри — «Хабар» газетаси ташкил этилгач, ана шу муаммони ҳал этиш имконияти туғилди. Эндиликда «Хабар» газетаси алоқа корхоналари билан бир сафда туриб, соҳа ҳаётини баҳоли қудрат ёритмоқда, соҳа ривожига ўз ҳиссасини қўшиб келмоқда.

Айрим корхона раҳбарлари тўртинчи ҳокимият деб аталмиш матбуотнинг аҳамиятини тушунганларида, таҳририят билан ҳамкорликни йўлга қўя олганларида эди, «Хабар»нинг фаолияти бундан ҳам самаралироқ бўлур эди. Ушбу мулоҳазалар асоссиз бўлмаслиги учун тафсилотларни эслатишга тўғри келади. Баъзи вилоятлардаги почта корхонаси раҳбарларининг тармоқ газетасига муносабати, лоқайдлиги таажжубланарлидир. Шу йилнинг иккинчи ярмида Бухоро, Хоразм ва Фарғона вилоятларида почта соҳасининг бугунги муаммолари, амалга оширилаётган ислоҳотлар ва илғор почтачиларнинг иш тажрибаларини ўрганиш, бу ҳақда газетага мақолалар ёзиш кўзда тутилган эди. Газетанинг бош муҳаррири ўринбосари И. Аҳмедов билан Бухорога келиб, вилоят электралоқа корхонаси бошлиғи И. Р. Чакидзе ҳузурида ишларни режалаштираётган ҳам эдикки, пастки қаватда почтачилар йиғилишаётганини тасодифан эшитиб қолдик. «Хосият Ражабовнада зарур гапимиз бор, биз ҳозир тушамиз. Илтимос, кетмай турсинлар» дея вилоят почта алоқа корхонаси бошлиғига «элчи» юбордик. Элчимиз дарров қайтиб келди ва илтимосимиз бажарилажагини айтди. Орадан кўп вақт ўтмай биз ҳам пастга тушдик. Афсуски, у ерда ҳеч ким йўқ эди. Маълум бўлишича, почтачилар почта ходимларидан бирининг уйига дафн маросимига кетишипти. Узрли ҳол, тушунарли. Лекин биз қидирган раҳбарни эртасига ҳам на иш жойларидан, на уйларидан топа олдик.

Хоразмда эса вилоят почта корхонаси бошлиғи М. П. Полвонов билан телефонда гаплашиб, бафуржа суҳбатлашишга келишиб олдик. Шундан сўнг у кишини ҳам учрата олмадим.

Фарғонага жўнаш арафасида вилоят почта корхонасига телефон қилдик. Бошлиқ Н. Каримов Тошкентда — мажлисда эканлар. Эртасига бош муҳарриримиз Нуъмонжон ака билан юзма-юз суҳбатлашганликларини айтиб, почта корхоналари фаолиятига доир топшириқлар берди. Фарғонага келгач, Н. Каримовни ҳам икки кун телефонда қидирдим. Яхшиямки идорада бош ҳисобчи Турсунбой ака Ёдгоров бор эканлар. Шу киши Нуъмонжон акага саломимни етказиб турдилар.

Алоқа корхоналари раҳбарларининг ортиқча вақтлари йўқ. Шунинг учун ҳам мухбир раҳбарнинг вақти, имкониятига қараб ишини режалаштиради. Аммо ваъда бериб туриб сўзининг устидан чиқмаслик лабзи ҳалол одамнинг иши эмас! Нима учун электралоқа корхоналари бошлиқлари мухбир билан учрашишга, унга баҳоли қудрат ёрдам беришга вақт топадилару, почтачилар топа олмайдилар. Беихтиёр «Нима учун почта раҳбарлари мухбир билан учрашишни истамайдилар?» деган табиий савол туғилади. Айрим раҳбарлар «Мен мақтанишни ёмон кўраман, бошқаларни ёзаверинг, биз мақтанишга арзигулик иш қилганимизча йўқ» дейишади. Уларнинг дунёқараши, матбуотнинг вазифасини тор тушунишни кишини афсуслантиради. Кейинги йилларда соҳа ходимлари, жумладан корхона раҳбарлари ҳам аттестациядан ўтказилмоқа. Назаримда, корхона раҳбарлари ва масъул лавозимдаги ходимларни аттестациядан ўтказиш жараёнида уларнинг оммавий ахборот воситалари, жумладан соҳа газетаси «Хабар»да берилаётган материалларга муносабатлари ва ўзлари газета саҳифаларида қай даражада қатнашаётганликларини ҳам эътибордан четда қолдирмаслик лозимга ўхшайди. Шунда газетага қизиқиш кучаяди, таҳририят фаолиятининг самарадорлиги ва салмоғи янада ортади.

*Тўлқин ЛУТФУЛЛАЕВ*

# ТОНГДАН ТУНГАЧА

***Бир қарашда телеграфчилар меҳнати унчалик қийин эмасдай туюлади — шошилинчномалар эгасига етказилади, холос. Аслида қоғозга тушириладиган ўша икки оғиз гап ҳар доим ҳам ахборот ёки хушхабар тарзида бўлмайди. Ана шунда телеграфчи худди нохуш хабар сабабчисидай қийналади.***

Навбатчи телеграфчи Яхёхон Ҳазратқулова шу маънодаги хабарни манзилга жўнатаркан, беихтиёр чуқур изтиробга тушди. Шерободдаги «Мурувват» уйидан Олтинсой туманининг Овчи участкасида яшовчи Нарзулла Тилововга йўлланаётган шошилинчномада қуйидаги қисқа жумлалар бор эди: «Қизингиз Тиловова Обод оғир бетоб бўлиб ётибди. Тезда етиб келинг. Шеробод «Мурувват» уйи директори Омонов».

Балки сиз «Бунинг нимаси изтиробга лойиқ, иссиқ жон борки, иситмаси бўлади» дейишингиз мумкин. Тўғри, ҳақсиз. Лекин бундай хабарлар такрор ва такрор берилса-ю, ота-она «Мурувват» уйига берилган боласидан ҳол-аҳвол сўрашни истамаса-чи?

— Яқинда ота-онаси бор бир бола «Мурувват» уйида жон берди, — дея меҳр-оқибат кўтарилганига ёрқин мисол бўла оладиган воқеани эслади Яхёхон. — Оила аъзоларига мусибатдан сўнг ҳам шошилинчнома берилди. Лекин...

Шеробод телеграф бўлими ходимлари фарзанди аскарликда юрган оилалар эшигини ҳам тақиллатиб туришади. Кўп ҳолларда ҳарбий қисм командири раҳматномаси битилган шошилинчнома етказилади. Гоҳида эса «Аскар ўғлингиз ҳарбий госпиталда...» каби хабарлар келади. Ушбу тармоқ бўйича курьер Света Жумаева шундай нохуш хабарлар бўлганда, аввал оила аъзолари билан суҳбатлашиб, орада илиқ бир муносабат ўрнатилгач мақсадга кўчади. Бу эса тўсатдан рўй берадиган баъзи кўнгилсизликнинг олдини олмоқда.

Албатта, телеграфчилар фақат ташвишли шошилинчнома етказувчилар эмас. Аксинча, улар мустақил юртимиз иқтисодий тараққиётига имкон қадар ҳисса қўшаётган кишилардир. Тумандаги қатор корхона ва ташкилотлар шартнома асосида ишлашни йўлга қўйиш мақсадида тез-тез телеграф ходимларига мурожаат қилиб туришибди. Жумладан, Хўжаикон туз конида ош ва техника тузлари олиш бўйича берилган буюртмалар ижроси ўз вақтида маълум қилиниб турибди. Натижада буюртмачи вагонга ортилган тузнинг қачон етиб келишидан барвақт хабардор этиляпти.

— Келгуси йил телеграф соҳасида ишлаётганимга роппароса 20 йил тўлади, — дейди биз билан суҳбатда Шеробод телеграф бўлими бошлиғи Яхёхон Ҳазратқулова. — Ўтган даврда хушхабарлардан суюнган чоғларим кўп бўлди. Баъзан нохуш хабарлар қабул қилганимда ва уни ҳаво орқали эгасига етказганимда чуқур ҳаяжонга тушганим ҳам рост. Начора, ишимиз шунақа... Ана шу серзавқ ва серташвиш ишни мен қатори Флюра Қурбоншайхова, Патимат Қурбонова, Рая Фёдорова каби ҳамкасбларим ҳам сидқидилдан адо этиб келишмоқда.

Бошқа соҳалар сингари телеграфчилар фаолияти ҳам жаҳон андозалари даражасига тенглаштирилмоқда. Яқинда ишхона тизими тўлиқ компьютерлаштирилди. Демак, энди хизмат кўрсатиш янада яхшиланади. Тонгдан тунгача давом этаётган бу меҳнат одамларга кўпроқ қувонч улашаверсин.

*Н. ЗИЁЕВ,*
*Сурхондарё вилояти*



***«Жиззахтелеком» қўшма корхонасининг Жиззах шаҳри филиалида ўз касбига меҳр қўйган алоқачилар кўплаб топилади. Электромеханик Муҳаббат МАҲМУДОВА ана шундай фидойилардан. У 25 йилдан буён алоқачилик касбини қадрлаб, сидқидилдан меҳнат қилиб келмоқда.***

*Б. ТОШМАТОВ олган сурат*

# САНОБАРНИНГ САОДАТИ

Қирчиллама 45 ёшни қоралаб қолган, ишбилармонлиги, чаққон хатти-ҳаракатлари билан кўпчилик ҳамкасбларининг ҳурматини қозонган Санобар Шодмонқулова эл ичида обрў топган инсонлардан. У 20 йилдирки «Сирдарё почтаси» акциядорлик жамиятининг почта жўнатмаларини алмаштириш масканида меҳнат қилади.

Дастлаб ишга келган пайтларида жуда қийналган ёш Санобарга ўз онаси каби меҳрибонлик қилган Клава Цой бор билими ва тажрибасини ўргатиб, устозлик қилди, йўл-йўриқ кўрсатди.

Мана, орадан қанча ташвишли ва қувончли йиллар ўтди. Санобар опа ҳам тажриба орттириб, устоз даражасига етди. Любовь Мазалова, Раҳима Бойтўраева, Нина Понасюклар Санобар опадек олийжаноб, меҳридарё устозларидан ниҳоятда мамнун. Ҳамон Санобар опа тинмай изланади, билмаганини сўраб ўрганади. Ташвишлари кўпайганда турмуш ўртоғи Равшан Шодмонқулов опага далда беради, кўнглини кўтаради, маслаҳатлар бериб, руҳан қўллаб-қувватлайди.

Оққўнгил Санобар опа хоҳ уйда, хоҳ ишда бўлсин бир зум ҳам меҳнатсиз туролмайди. У оилада меҳрибон она, ишда эса талабчан, қалби эзгу ҳисларга тўлиқ устоздир.

*Абдуғафур ҲОТАМОВ,*
*жамоатчи мухбиримиз,*
*Сирдарё вилояти*

• АЛОҚА МАТБУОТ КЎЗГУСИДА

# ХАВФЛИ ТЕЛЕФОНЛАР

Жамоат жойларига ўрнатилган телефонлар киши соғлиғи учун хавфлидир. Жанубий Кореяда тузилган телефон қурилмаларини текшириш назоратчилари шундай хулосага келдилар. Улар катта дўконлар, меҳмонхоналар, кинотеатрлар ва Сеул шаҳри касалхоналаридаги телефонларни текширишдан ўтказдилар. Маълум бўлишича, трубка ичида микроорганизмлар зотилжам ва ошқозон касалликларини келтириб чиқарар экан.

Текшириб кўрилган ҳар бир 50 телефондан фақат 8 тасигина зарарсиз бўлиб чиққан. Ваҳоланки, Жанубий Корея 1988 йилдан бошлаб ҳар 10 кунда телефон қурилмалари зарарсизлантирилади.

# ТАБРИКЛАЙМИЗ!

«Сурхондарётелеком» шуъба корхонасининг Ангор филиали бошлиғи **Абсамад НОРИЕВ**ни 40 ёшга тўлганлиги муносабати билан чин дилдан табриклаб, узоқ умр, сиҳат-саломатлик ва келгуси ишларида омад тилаймиз.

*Корхона жамоаси*

# МУҲАББАТ МАНГУ УШАЛМАС АРМОН

*Муҳаммад Ражаб (Имомов) 1962 йили Навоий вилояти, Нурота туманидаги Қизилча қишлоғида туғилган. 1987 йилда ТошДУнинг журналистика факультетини битирган. Шеърий, насрий тўпламлари чоп этилган. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси.*
*Ҳозир Ўзбекистон радиоси «Олтин мерос» ижодий гуруҳида бош муҳаррир бўлиб ишламоқда.*

## СИНГЛИМГА МАКТУБ

Сен чизган гуллардан ҳалоллик
анқир,
Жудаям тиниқдир сен чизган
осмон,
Менинг ёзганларим бари нимтатир,
Менинг осмонимни бинолар
тўсган.

Сенинг туйғуларинг ҳали беғубор,
Софлик ярашади чизганларингга.
Менинг шеърларимда ўксик туйғу
бор,
Ҳушёр қарашади ёзганларимга.

Яхши ният билан ушлабсан қалам,
Мусаввир Беҳзоднинг руҳи, қўлла,
деб,
Мен ҳам умид билан тутганман
қалам,
Ўзинг мададкорим бўлгин
олло деб.

Билсанг шу ота юрт, шу улуғ диёр.
Ўтмишда кўрмишдир минглаб шон,
ситам.
Унинг қучоғида минглаб мавзу бор.
Ҳали очилмаган қитъа Туркистон.

Санъат йўли оғир, роҳат йўқ бир
зум,
Санъаткор яшайди халқини ўйлаб.
Сен халқим руҳини чизиб бер
синглим,
Мен эса берайин меҳрини куйлаб.

* * *

Севгини бўғишни ўргатгин менга.
Яхшиси хатимни йирт, ўтга ташла,
Яхшиси номимни юракдан кўчир,
Сенга ёзилган бу хат бегона,
Кўз ёшларинг билан, сен уни ўчир.

* * *

Энтикиб ўқийсан ҳар бир
шеъримни,
Узоқ термуласан суратларимга
Мен бунда ёзажак янги сатримни,
Тўлдириб бораман
ҳайратларимга,
Соғинсанг шивирлаб, шеърларим
ўқиб,
Шикаста қалбингга таскин
берасан.
Тунлари ширин бир хаёлга чўмиб,
Ҳамон тушларингда мени кўрасан,
Менинг ҳам тушимга муҳаббат
кирар,
Сочлари паришон, эзилган, ғариб,
Ортимдан тинимсиз югурар, елар,
Ҳатто тушларимда юрар ахтариб,
Саҳарлар оқ қоғоз устига,
Соғинчдан сиёҳдай томаман,
Муҳаббат йўқ дея ёзиб аслида
Муҳаббат ўтида ҳамон ёнаман,
Муҳаббат бўғилган беғубор туйғу,
Булутлар қоплаган мусаффо
осмон,
Муҳаббат сен учун туганмас қайғу,
Мен учун у мангу ушалмас армон.

* * *

Куннинг кўзи боғланди,
Ойнинг юзи доғланди.
Юлдуз кўкда шодланди,
Йўлга чиққум бу кеча,
Мен-ла юрингиз гуллар,
Чекинингиз ҳей, йўллар
Мен васлидан умидвор,
Олисларда бир қиз бор.
Сумбул сочли жамалак,
Кулгулари камалак
Бу дунёда мен учун
Гўзал йўқ ундан бўлак.
Йўлга чиқгум у учун
Мен-ла юрингиз гуллар,
Чекинингиз ҳей, йўллар.

**Муҳаммад РАЖАБ**

## ЯНГИ ЛАТИФАЛАР

— Дада, Сиз будилниксиз ҳам уйғона оласизми?
— Ҳа, уйғона оламан, нима эди?
— Мен будилникни шоколадга алмаштирган эдим.

***

Йигит янги унаштирилган қайлиғига деди:
— Жонгинам, мен Сизни бир кун ,ҳатто бир соат кўрмасам жинни бўлиб қоламан.
— Озгина сабр қилинг,тўйдан кейин бира тўла жинни бўлиб қоласиз.

***

Учта эркак ҳайвонот боғига бориб, ўз хотинларини таърифлаб кетди.
—Менинг хотиним булбулнинг ўзи —тинимсиз сайрагани-сайраган.
—Меники бегемотнинг ўзи — ҳамиша пишиллаб ухлагани-ухлаган.
—Меники эса йўлбарснинг ўзи. Фарқи фақат ташқи кўринишида.

***

Бир киши маош олаётганида кассир қиз учта лотерея қўшиб берди.
—Буларга бирон нарса чиқадими, қизим?
—Ҳаммасига ютуқ чиқади, амаки.
Ниҳоят, ҳалиги киши лотереясини текширтира бошлайди.
— Биринчи лотереянгизга мотоцикл, иккинчисига соат чиқди, учинчисига ҳеч нарса чиқмади.
— Вой ярамасей, ҳаммасига ютуқ чиқади деганди, демак мени алдабди-да!

***

Муаллим дарсда одамнинг маймундан тарқалганлигини тушунтиргач, бир ўқувчи шундай деди:
— Домла, демак маймунларнинг камайиб кетишига одамлар сабабчи экан-да!

***

Уч эркак дарёга чўмилиш учун боришибди. Бир маҳал нариги қирғоқда чўмилаётган ёш қизларни кўриб қолишибди.
Йигирма ёшли йигит дарҳол ечиниб, нариги қирғоққа сузиб кетади.
Қирқ ёшли эркак эса шундай деди:
— Керак бўлса ўзлари сузиб келишади.
Олтмиш ёшли эркак бошқача гап қотади:
— Ортиқча куйинишнинг ҳожати йўқ, шу ердан ҳам яхши кўриняпти.

### 1998 йил — Оила йили



— Неварамизга қайси бешикни олсак экан?

**Муҳаммад Авфий БУХОРОЙИ**

## ИБРАТЛИ ҲИКОЯТЛАР

Луқмони ҳаким қоп-қора киши экан. Биров уни танимасдан ғуломликка олиб, бир мунча вақт эшигида хизмат қилдирибди. Кейинчалик ғуломи илму ҳикматдан хабардор одамга ўхшаганини пайқаб, имтиҳон тарзида бир кун унга дебди:
— Ҳой ғулом, қўйни сўйиб, энг яхши жойини менга пишириб келтир. Луқмони ҳаким қўйни сўйиб, юрак ва тилини пишириб, хожаси олдига келтириб қўйибди. Хожаси бир куни:
— Қани, яна бир қўйни сўйиб, энг ҳаром жойини пишириб келтир, — дебди.
Луқмони ҳаким яна бир қўйни сўйиб, тили билан юрагини пишириб дастурхонга олиб келибди.
Хожаси ҳайрон бўлиб сўрабди:
— Бу нима қилганинг?
— Эй, хожам, покликда тил билан юракдан ўзга нарса йўқ. Нопокликда ҳам юрак билан тилга тенг келадигани йўқ! — жавоб қилибди ҳаким.

***

Анушервон — Хисрав I-нинг ҳузурига узоқ-яқиндан вакиллар келган экан. Анушервон илму донишда тенг-у тимсоли йўқ вазири Бузургмеҳрнинг ақлу заковатини меҳмонларга кўзкўз қилиш ниятида ундан сўрабди.
— Қани Бузургмеҳр, айтинг-чи, дунёда энг муҳим нарса нима?
— Дунёда уч нарсадан ўтадиган ҳеч нарса йўқ, — дебди Бузургмеҳр.
— Нима экан улар?
— Ўлим, аёл ва эҳтиёж (муҳтожлик).
Анушервон жавобдан қониқмабди ва ҳаким беъмани гап айтди-да, деб қўя қолибди. Кейин қулай фурсат топиб сўрабди:
— Бу нима деганинг? Нега бунақа тўмтоқ жавоб бердинг?
— Эй шаҳриёри олам! Аёл бўлмаганда сенга ўхшаган зот қаердан туғиларди! Ўлим бўлмаганда отангнинг тож-у тахти сенга қандай тегар эди. Эҳтиёж бўлмаганда менга ўхшаган одам сенинг саройингда нима қилар эди? — деб жавоб берибди.

***

Хисрав Парвез салтанат тахтига ўтириб, дил кишварини маҳбубаси Ширинга топширганидан сўнг, ёруғ дунёни унинг кўзи билан кўрадиган бўлиб қолибди.
Кунлардан бир кун яқинларидан бири ундан сўрабди:
— Ширинни қай даражада севасан?
Парвез айтибди:
— Менинг муҳаббатим шу қадар кучлики, унинг бирор нуқси бу муҳаббатни заррача камайтиролмайди. Янги фазилати бундан бўлак оширa олмайди. Висол онлари бундан ортиқ хурсанд этолмайди. Ҳижрон ғами унутишга мажбур қилолмайди.


МУАССИС: Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлиги

Бош муҳаррир: Шодмон ОТАБЕК

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:
Абдувоҳид ЖЎРАБОЕВ
Шуҳрат ЖАББОР
Анатолий КУДИНОВ
Иззат АҲМЕДОВ
(Бош муҳаррир ўринбосари)
Абдуғани АБДУРАҲМОНОВ
(Масъул котиб)
Мирпўлат МИРЗО
Рустам ҚОСИМОВ
Ёқубжон ХЎЖАМБЕРДИ
Бобохон ШАРИФ

ЖАМОАТЧИЛИК КЕНГАШИ:
Бўривой АҲМЕДОВ
ОТАУЛИ
Саидмахмуд АКБАРОВ
Шоҳруҳ АКБАРОВ
Меҳмонкул ИСЛОМКУЛОВ
Тўлқин ЛУТФУЛЛАЕВ
Тоғай МУРОД

МАНЗИЛИМИЗ: 700000 Тошкент-35, А. Толстой кўчаси, 1.
ТЕЛЕФОНИМИЗ: 136-36-42, 136-35-29, 144-29-09. ИНДЕКС: 64600
ЖУМА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

Муҳарририятга келган қўлёзмалар (2 ораликда, 5 бетдан ошмаслиги лозим) ва суратлар муаллифларга қайтарилмайди. Мақолалардаги фикр-мулоҳазалар, келтирилган факт ва рақамлар масъулияти муаллифлар зиммасидадир.
Рўйхатга олиш №000011. Буюртма № Г-0854. 8954 нусхада чоп этилди.
Офсет усулида босилди. Бичими А-3, ҳажми 1 босма табоқ.
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ «ШАРҚ» НАШРИЁТ-МАТБАА КОНЦЕРНИ БОСМАХОНАСИ.
Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй. 1 2 3 4 5 6

